## Адабий консепсиялар

# ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Ўтган беш йил давомида маънавий ҳаётимизда, жумладан, адабиёт ва санъатда, бадиий тафаккур оламида чиндан ҳам туб ўзгаришлар, муҳим янгиланишлар юз берди. Очиғи, биз ҳали бу ўзгариш, янгиликларни тўлалигича идрок этолганимиз, уларни етарли таҳлил ва тадқиқ қила олганимиз йўқ.

Мустақил тузум даврида ҳам адабиётнинг бойлиги, ундаги хилма-хиллик ҳақида кўп гапирилар эди. Бироқ, ранг-баранглик, хилма-хилликни марксизм-ленинизм мафкураси, сотсиалистик реализм доирасида тушунилар, бундай дунёқараш, методдан салгина четга чиқиш катта гуноҳ саналарди. Ўзимизни қўя турайлик, собиқ Иттифоқда, унинг марказий нашрларида ёритилган диний талқин ёки Ғарбдаги номарксистик фалсафий-эстетик оқимлар билан алоқадор адабий ҳодисалар кескин танқидга учраганлигини яхши биламиз. 1986 йили «Новый мир» журналида таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» рўмони босилди. Ҳали асар охиригача чоп этилмай туриб, ундаги диний майллар учун «Комсомолская правда»дан тортиб «Правда»гача кўплаб газеталарда муаллифни мистикага берилиш, «Аллоҳга сажда қилиш»да айблаган эдилар. Номарксистик маънавий-адабий ҳодисаларнинг барчаси реаксион эмаслиги, аксинча жаҳондаги кўпгина тараққий этган маърифатли мамлакатларда диний йўналишда, шунингдек, фрейдизм, экзистенсиализм сингари адабий мактабларда, модернизм, постмодернизм оқимларида жиддий-бадиий кашфиётлар яратилгани ва яратилаётгани ақли расо кишиларга маълум эди. Фақат мустабид жамиятда, ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда бу ҳақиқат тан олинмасди. 80-йилларнинг охирларига, ошкоралик даврига келиб, бизда ҳам плюрализм — фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги тушунчаси пайдо бўлди. 90-йилларда, аниқроғи истиқлол даврида фикрлар, ғоялар, ҳаттоки мафкуралар хилма-хиллиги тўла қарор топди. Ўтган беш йил давомида адабиётимизда фалсафий-эстетик асоси жиҳатдан ранг-баранг, хилма-хил йўналишларга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. Чунончи, ҳозир моддий дунё қонуниятларига, тарихий, ижтимоий таҳлил мезонларига қатъий амал қиладиган анъанавий реализм билан баробар деярли барча адабий тур, жанрларда диний, руҳоний-исломий талқин устивор асарлар кўпайиб бормоқда. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули эмас, кўпроқ, илоҳий, туғма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий, тарихий шароит-тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, ҳислатларини, онг-идрокдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларни бадиий тадқиқ этувчи, экзистенсиализм фалсафасига таянувчи асарлар ҳам яратилаётир. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган, шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан очиб берувчи афсурдаҳол (абсурд) асарлар, қаҳрамонлар ҳам кўпайиб қолди.

Шуниси қувонарлики, бу ҳолат ҳозирги кунда ҳеч кимни таажжубга солаётгани йўқ. Ҳатто яқин-яқинларгача ўзларини миллий адабиётнинг посбони деб биладиган, адабиётнинг ғоявий софлиги учун муросасиз кураш олиб борадиган жангари санъатшунос, адабиётшунослар ҳам бунга қонуний, табиий бир ҳол деб қарамоқдалар. Шунинг ўзи жуда катта гап.

Бугунги адабиётимизда аниқ-равшан тамойилга айланиб қолган афсурда руҳдаги асарлар ва шунақа адабиётга хос талқинлар жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳодисани айрим ҳамкасбларимиз Ғарб адабиётининг вакиллари Ф. Кафка, А. Камю сингари буюк ёзувчиларнинг таъсири ёки уларга тақлид деб атамоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгги йилларда ёш ижодкор авлод орасида шу каби адиблар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, Ғарб адабиётининг қатор намуналари ўзбек тилига айнан шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам қилинди. Гоҳо Кафка асарларига ўхшаб кетадиган ҳикоялар ҳам яратилди. Чунончи, Назар Эшонқуловнинг «Муолажа» ҳикояси Кафканинг «Жазо колонияси» асарини эслатади. Бироқ, миллий адабиётдаги ҳар бир жиддий ҳодисанинг сабабини ташқи омиллардан эмас, аввало, шу она заминнинг ўзидан, мавжуд воқеликдан, замона эҳтиёжларидан изламоқ даркор. Афсурда ҳақидаги фалсафа тарғиботчиларининг фикрича, мавҳум воқелик мавҳум инсонни ва мавҳум ижодни юзага келтиради. Яна бир муҳим хусусияти шундаки, ақл-идрокни ўз бисоти, ҳаётини шафқатсизларча танқидий идрок этиш унга хосдир. Шунинг учун ҳам унда фожиавийлик кучли. Инсон зоти ўзининг ҳақиқий аҳволини чуқур идрок этмаса, ҳеч вақт ўзини бахтсиз сезмайди. Инсон ўз меҳнатининг маънисизлигини, аҳвол-ҳолати, ҳаёти мавҳум ва бемаъниликдан иборат эканини англаб етган дақиқалардан кейингина чинакам фожиа бошланади. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларидаги вазият бизда мавҳумият ҳақидаги адабиётнинг туғилиши учун замин тайёрлади. 70 йиллик ваъда-ю орзу-умидларнинг пучга чиқиши, жаҳонда энг адолатли, эркин жамият деб жар солинган сотсиалистик тузумнинг истиқболсиз, энг илғор деб саналган марксча-ленинча таълимотнинг ярокsiz бўлиб чиқиши кўпларни саросимага солиб қўйди. Бу ҳол ҳаётини, бор заковатини шу маънисиз таълимотга, йўлга тиккан, адашган, эндиликда ақлини таниб, мудроқ вужуди уйғонган одамлар учун ўзига хос фожиа бўлди. Тўғри, авваллари, чунончи 60-70-йилларда ҳам совет даври ҳаётининг салбий жиҳатларини, адолатсизлик ва шафқатсизликларини кўрсатувчи, фош этувчи асарлар яратилган эди. Бироқ бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини шахс фаолиятининг бемаънилигини изчил тарзда таг-туги билан очиб берувчи асарларнинг пайдо бўлиши учун мана энди шароит етарли. Ҳатто ижодий йўналиш моҳият эътибори билан ҳаётбахш-тасдиқловчи руҳда бўлган ёзувчи, шоирлар бисотида ҳам маънисизликни эслатувчи асарлар кўрина бошлади. Абдулла Ориповнинг «Фожиа», Эркин Воҳидовнинг «Ватан умиди» шеърлари шулар жумласидандир. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», «Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи», «Динозавр», Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу қаршисидаги одам», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар»,асарлари ҳамда Эркин Аъзам, Хайриддин Султон қиссаларида персонажлар умри, фаолиятининг, улар амал қилган ақидаларнинг, яшаган муҳитнинг бемаънилигига алоҳида урғу берилган. Бу тамойиллар айниқса Назар Эшонқул ижодида яққол намоён бўлмоқда. Муаллифнинг «Маймун етаклаган одам» ва «Муолажа» асарларидан тортиб «Бевақт чалинган бонг», «Истило», «Тобут» ҳикояларигача барчаси ифода ва талқин йўсини жиҳатидан ўзбек адбиётида янги ҳодиса бўлди.

Миллий адабиётимизнинг бугунги энг яхши намуналари шундан далолат берадики, диний-аҳлоқий талқин реализмга асло ёт эмас. Буни Тоҳир Малик ва Омон Мухтор рўмонларида яққол кўриш мумкин. Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари гарчи қисса деб аталса-да, аслида воқеалар, образлар кўламига, маъно салмоғига кўра рўмон деб аташга лойиқ. Асар замоннинг ўта долзарб муаммоларидан бири — ҳаётга чуқур илдиз отган, жамият, фуқаролар турмушига жиддий таҳдид солган мафия — уюшган жиноятчилик ҳақида. Биз кейинги пайтларда адабиётда мангу, муаммолар ифодаси ҳақида кўпроқ гапирамиз. Бу яхши албатта. Айни пайтда адабиёт долзарб, ўткир масалалардан четда туролмайди. Бундай масалаларга жамоатчилик эътиборини тортиш ҳам адабиётнинг бурчидир. Тоҳир Малик асарини шунчаки долзарб масалалар кетидан қувиш деб камситишга ҳожат йўқ. Бу масаланинг бир жиҳати. Масаланинг бошқа жиҳати шундаки, ёзувчи шу ўткир долзарб муаммога ўткинчи бир кайфият нигоҳдан эмас, боқий, мангу мезонлардан туриб ёндашишга ҳаракат қилади. Ёзувчи, бир томондан, анъанавий реализм позитсиясида туриб бу мудҳиш иллатнинг ижтимоий илдизларини бадиий тафтиш ва таҳлил этишга уринса, иккинчи томондан, шу мудҳиш йўлга кирган кимсалар руҳиятини боқий илоҳий — исломий ақидалар асосида тушуниш, талқин этишга тиришади. Ёзувчининг кузатишича, бу кимсалар аввало жамиятдаги адолатсизликлар қурбони, қолаверса улар шайтон йўлдан оздирган бандалар. Ёзувчи шайтон йўлдан оздирган бу одамлар руҳиятидаги шайтон васвасаси оқибатида рўй берган жараёнларни кенг ва теран таҳлил этади.

Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа» рўмони ўзининг шакл-шамойили, ҳикоя ва ифода тарзи, оҳанги жиҳатидан ўзбек рўмончилигида янгилик. Ундаги воқеа-ҳодисалар аниқ макон ва замон билан чекланмаган, реал ҳодисалар билан хаёл-фантазия қоришиқ ҳолда келади, реалистик тасвир билан афсонаривоят туташиб кетади. Ёзувчи қалами бу фоний дунё ифодасидан нариги боқий дунё саргузаштлари тасвирига эркин кўчади, асар бош қаҳрамони шоир Абдулла Ҳаким иккига ажралиб руҳи билан тани айри ҳолда бири иккинчисини таъқиб этиб юради. Бу асарда реалистик таҳлил билан илоҳий-руҳоний талқин қўшилган ҳолда келади.

Шу хилдаги изланишлар билан баробар, изчил анъанавий реализм йўналишида ҳам жиддий бадиий кашфиётлар яратилаётир.

Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи» рўмони кечаги кунларимиз, мустабид тузумнинг сўнгги дақиқалари ҳақида ҳикоя қилади. Ёзувчи ўша кунлардаги қишлоқ ҳаётининг гўё анатомиясини чизади; муаллиф холис ва эркин туриб қаҳрамонлари ҳаётини, руҳиятидаги жараёнларни, борингки, бутун борлиғини синчковлик билан кузатади.

Ш. Холмирзаевнинг «Қуёшку фалакда кезиб юрибди», «Аросат», «Озодлик», ҳикоялари, айниқса «Динозавр» номли янги рўмони жамият туб ўзгаришлар палласига кирган — «сотсиалистик ҳаёт тарзи» емирилиб янги бозор иқтисоди муносабатлари таркиб топиб бораётган ўтиш даврида одамлар онги, руҳияти, табиатида юз бераётган ҳодисалар ифодасига бағишланган. Ва ана шу мушкул жараён тасвиридан иборат. Ёзувчи рўмон бош қаҳрамони — ижодкор шахс руҳияти драмаларини фавқулодда бир реалистик куч билан холисона ва одилона бадиий таҳлил ҳамда тадқиқ этиб берган; анъанавий реализмнинг янги имкониятларини намойиш этган.

Ниҳоят, яна бир муҳим тамойил хусусида икки оғиз сўз. Сўнгги йилларда биз адабиётимизда кенг ёйилган ҳодиса — алданган, адашган одамлар — ҳаёти маънисиз, мавҳум қаҳрамонлар, изтироблар гирдобида қоврилиб, нажот йўлини йўқотган аламдийдалар руҳияти таҳлилига ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиб китоблардаги бошқа бир нурли жиҳатни эътибордан четда қолдираётирмиз. Бугунги адабиётимизда «Ҳинд ихтилочилари», «Меҳробдан чаён» каби янги ўзбек адабиётининг илк намуналаридан бошланган энг оғир, қалтис дамларда ҳам ўзини йўқотмайдиган, бало-офатлар билан мардона кураша оладиган, инсонлик шаъни ҳимояси, эзгу орзу-идеаллар йўлида ўлимга ҳам тик бора оладиган ҳайратомуз зўр иродали, кучли шахслар образини яратиш анъанаси янгича кўринишда давом этмоқда. Тарихий мавзудаги асарларимизда бу тамойил хийла ёрқин намоён бўлмоқда. Айни пайтда кечаги кунларимиз ҳақида битилган айрим драма, рўмонларда, чунончи О. Ёқубовнинг «Адолат манзили» рўмони, Ў. Ҳошимовнинг «Қатағон» драмаси айни шу фазилатлари билан эътиборга сазовор. Ҳатто шу пайтга қадар нуқул афсурда қаҳрамонлар хаёли билан банд бўлиб келган Назар Эшонқулов кейинги «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида мардона бир шахснинг ғаройиб образини яратди. Бу ҳодисани «совет даври адбиёти анъанасига қайтиш» деб камситиш ўринсиз. Агар эътибор берилса мардона шахслар образини яратиш тажрибаси бугунги тараққийпарвар жаҳон адабиёти ва санъатида ҳам мавжуддир. Юқорида келтирилган далиллар, кузатиш ва мулоҳазалардан чиқадиган асосий хулоса шуки, бир асрлик тарихга эга бўлган янги ўзбек адабиётида ниҳоят, аср охирига, истиқлол даврига келиб чинакам фикр эркинлиги, хилма-хил ижодий оқимлар, адабий мактабларнинг эркин шаклланиши учун амалда замин ҳозирланди. Миллий адабиётда адабий мактаблар, ижодий оқимлар қанча кўп, хилма-хил бўлса бундай адабиётнинг истиқболи шунчалик порлоқ бўлади. Энди асосий гап адабиётимизда пайдо бўла бошлаган ёки янгиланиб бораётган тамойилларни теран, бетакрор, улкан санъат ҳодисасига айлантира олишда.

**Умарали НОРМАТОВ**

*АМЕРИКА ХАТЛАРИ*

# ҚАДРИЯТЛАР ҚАДДИМИЗНИНГ РОСТЛИГИ

XIX асрдан бошлаб миллатимиз мулки саналган миллий қадриятларимиз Туркистондан Оврупога олиб кетила бошланди.

Агар 1864 йили Буюк Британиянинг махсус топшириғи билан юртимизга қаландар қиёфасида келган Армени Вамбери бир хуржун нодир қўлёзма асарларимизни олиб кетган бўлса, 1865 йилдан бошлаб, қадриятларимиз вагонлаб Россияга ташилди ва шу йўл билан Оврупо мамлакатларига сочилиб кетди.

Бу ҳодисага ўша давр мунавварлари, асл ватанпарварлар саналган жадидлар жим қараб тура олмаган эдилар. Бу ҳол Чўлпон домланинг «Кеча ва кундуз» асарида куйиниш билан тасвирлаб берилган: Мирёқуб Туркистон тарихига оид ҳар турли қўлёзмаларни қўлга киритишга интилган ўрис нойибига нодир қўлёзмаларни топиб беради ва бунинг эвазига унинг олқишини олади. Бир жадид билан қилган суҳбатидан сўнг унинг кўзи очилади.

«Жадид: — Мамлакатнинг тарихи, адабиётига оид қимматбаҳо асарларни текинга бериш ҳамда бир рус амалдорига бериш, билмадим, нимага тенг? Менимча, бу — миллатга хиёнат! Ундай асарларни сиз тўплангиз, миллий кутубхона ташкил қилайлик. Тўғри йўл — шу!»

Бундан бир аср олдин ҳам миллатга тегишли миллий қадриятларни талон-тарож қилиш буюк Чўлпон айтганидек «миллатга хиёнат» бўлган, ҳозирги кунларда ҳам бундай хатти-ҳаракатни шундай баҳолаш лозим.

Бугунги кунда бу соҳада аҳвол қандай? Тарихимиз, тил-адабиётимиз, фанимизга оид қўлёзма асарлар ишончли ерларда, ишончли, ҳалол қўллар ҳимоясидами?

Шўро тузуми инқирозга юз тутганидан бери айрим шахслар қадриятларимизни — турли қўлёзмалар, қадимги заргарлик зеб-зийнатлари, кумуш-мисдан ишланган нодир уй буюмлари, қадимдан сақланиб келинаётган гиламлар, санъат асарларини мамлакатимиздан ташқарига, айниқса, Ғарбий Оврупо ва АҚШга олиб чиқиб кетишга уринаётганликлари сезиляпти.

* * *

Ғарбий Оврупо, АҚШ каби мутараққий мамлакатлар кутубхона, музей, архивларида ҳамда шахсий китобликларида сақланаётган қўлёзма асарлар деярли сотилмайди. Қўлёзмалардан нусха олиш эса жуда мураккаблаштирилган. Қўлёзмани ўша ерда махсус хонада, махсус бир ходим қаршисида ўтириб ўқиш мумкин, айрим изоҳларни фақат қаламда қоғозга туширишга рухсат берилади. Иложи борича қўлёзмадан нусха олдирмасликка ҳаракат қилинади. Бунинг сабаби: маълум бир қўлёзма ўша кутубхонанинг фахри саналгани учун унинг нусхасини кўпайтириш ўша кутубхонанинг манфаатига мос келмайди. Уч йилдан бери менга Амир Темур фаолиятига бағишланган бир қадимги асарнинг нусхасини олишга рухсат беришмайди. Бу тарихий китобни XV асрда юнон тарихчиси яратган бўлиб, у 1500 йилдан кейин француз тилига ўгирилган ва жуда катта ҳажмда қадимги миниатюралар билан чоп этилган. Мазкур асар Амир Темурнинг ўша даврда ишланган сурати билан очилади. Бу асар дунё кутубхоналарида жуда кам сақланиб қолганлиги туфайли унинг нусхаси бизнинг миллий кутубхоналаримизга жуда ҳам зарур. Кутубхона ходимлари бу асарнинг нусхаси бизга зарурлигини билганликлари учун ҳам уни ўқишга монелик қилмаганлари ҳолда, ундан нусха кўчиртирмаяптилар.

Ғарб мамлакатлари кутубхона музейларида сақланаётган қўлёзма асарлардан микрофилм, фото нусха ва ксеро нусха олишнинг бир қатор йўллари бор:

1.Қўлёзма нусхасини катта пулга сотиб олиш мумкин. АҚШ даги Нодир адабиётлар кутубхонасида мен фавкулодда Ҳенделнинг (Hendel) Амир Темур фаолиятига бағишланган «Буюк Темур» операси партитурасини, италян ва инглиз тилларидаги либреттолари билан бирга топдим. Ва бу кутубхона ходимларини мазкур опера партитураси ва либреттолари нусхасини сотишга кўндирдим. Ҳенделнинг «Буюк Темур» операсининг бир нусхаси ҳозир бизнинг қўлимизда. (Агар ўз Ватан тарихини севувчи дирижёр бу асарни Ўзбекистон саҳнасида қўйишни истаса, мен жон деб у кишига бу операнинг партитурасини ҳамда италян ва инглиз тилларидаги либреттоларини беғараз топшираман).

2.Қўлёзма нусхасини бошқа бир, шу кутубхона учун зарур бўлган қўлёзма нусхаси билан айирбошлаш мумкин.

Ғарбий Оврупо мамлакатлари ва АҚШда сақланаётган қўлёзмалардан кўпинча китоб ҳолида бостириб чиқармаслик шарти билан нусха олишга рухсат этилади. Ҳақиқатан ҳам, қўлёзмани нашр этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш жуда катта бойлик саналади. Мана бир мисол: икки йил олдин бу мамлакатда Мунис Хоразмийнинг «Фирдавсул-иқбол» асари қўлёзмаси кириш сўзи билан чоп этилди. Бу асарга дунё шарқшуносларининг қизиқиши катта бўлганлиги сабабли жаҳондаги таниқли кутубхоналар бу нашрга буюртма юбориб, ҳар бир китобни уч юз доллардан сотиб олишди. Мунис қаламига мансуб бу асар қўлёзмаси асли бизнинг Ўзбекистонимизга тегишли бўлиб, у узоқ вақтлардан бери Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Петербург (собиқ Ленинград) филиалида сақланиб келинган ва ўша ердан АҚШ га нусхаси олиб кетилиб, чоп этилган. Натижада бу қўлёзма нусхаси бошқа бир мамлакатнинг мулки бўлиб қолди.

Ҳозирги „кунларда кутубхоналар ва академик институтлар фондларидаги қўлёзма асарларнинг нусхлари ҳам турли йўллар билан ғарб мамлакатларига олиб чиқиб кетиляпти.

АҚШнинг энг катта олий ўқув даргоҳларидан бири саналган Индиана университети қошида «Ички Осиё тадқиқотлари илмий-текширув институти» («Research Institute for Inner Asian Studies») бор. Мана шу институтнинг «Ўрта Осиё Архивлари» («Central Asian Archives») фонди бўлиб, унда Туркистонга тегишли қўлёзма асарларнинг микрофилм нусхалари тўпланган. Шу институт яқинда ички фойдаланиш учун чоп этган «Қўлёзмаларнинг микрофилмлари рўйхати»га («A Handlist of Microfilms of Manuscripts») бир назар ташлаймиз. Шу биргина институтнинг ўзи Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 86 (саксон олти!) та нодир асар қўлёзмаси микрофилмини ўз фондига қўшган. Ўзбекистоннинг бошқа илмий кутубхоналари ва фондларидан ҳам шундай микрофилмлар олинган.

Агар бу қўлёзмаларнинг микрофилм нусхалари амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилиниб, олинган бўлса, у ҳолда Шарқшунослик, Қўлёзмалар институтлари ҳамда Тошкент Давлат университети кутубхонаси ҳам шунча миқдорда ўзида йўқ қўлёзма асарларни олган бўлиши ёки қўлёзма микрофилмларини сотиб, ўзини анча ўнглаб олган бўлиши керак. Ахир маданий алмашувлар икки томонлама фойда келтириши зарур.

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тараққиёти ҳақида сўз кетганида юртимиздан узоқ ерларда ҳам биринчи навбатда шарқшунослик соҳасини ҳамда бу соҳанинг маркази ҳисобланган Шарқшунослик институти ва унинг қирқ минг асарни ўз ичига олган Қўлёзмалар фондини илиқ сўзлар билан таърифлашади.

Шўролар даврида бу институт ва унинг қўлёзмалар фондини ташкил этиш нақадар қийин бўлганлиги маълум.

Мустақилликни қўлга киритган биринчи йилларимиз сочилиб кетган барча қадриятларимизни, шу жумладан қўлёзма асарларимизни йиғишга, бир ерга тўплашга жазм этган эдик. Она юртимиз учун муҳим бўлган ҳозирги тикланиш даврида ўз олдимизга «мамлакат менга нима беради?», деган саволни қўймасдан, биз ҳаммамиз бир бўлиб, «мен Она-юртимга нима бера оламан, қандай наф келтира оламан?» деган саволга жавоб топишга интилишимиз лозим. Фақат шу йўл билангина биз яна қаддимизни тиклаймиз, асрлар давомида жаҳондаги илғор миллатлар қаторида бўлган ўз ўрнимизни эгаллай оламиз.

**Хайрулла ИСМАТУЛЛА,**
**Индиана университети,**
**Марказий Евро-осиё тадқиқотлари бўлими**
4 июл 1996 йил
Блумингтон шаҳри



Оқсоқол адиблар — Комил Яшин ва Уйғун. 1980 йил.

# МУОЛАЖА МИЖОЗГА КЎРА БЎЛАДИМИ?

***Кўктўнлик отанинг таъбирича, табобати билан тарбияси қўлдан кетган юрт — юрт бўлмас экан. Собиқ шўро замонида на табобатимизга ва на тарбиямизга эгалик қилдик. Мустақиллик туфайли ўз табобатимиз ва ўз тарбиямиз хусусида фикрлашга, уни янада яхшилаш йўлларини қидиришга имкон туғилди. Шу боис халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат борасида, унинг ютуқларию камчиликлари тўғрисида мулоҳазаланмоққа уриндик. Яъниким, тиббий хизматнинг муваффақияти нимада-ю, ночор томонлари нимада? Чунки инсон бор экан, у касалланади, соғаяди. Бу савдо ҳамманинг бошида бор. Ҳамманинг бошидаги савдо ҳақида қайғуриш эса хайрлидир.***

***Суҳбатдошим кўзга кўринган доктор ҳам эмас, эл оғзига тушмаган, телевизорга чиқмаган, оз-моз газетада ёритилган холос. Аммо ўз ишининг устаси, табобат ҳақида шахсий фикр-мулоҳазага эга, китоб кўрган, юрт кезган: саккиз йил республикамизнинг тоғли туманларида, уч йил Мисрда ишлаб келган. Ҳозирда Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар шифохонасида шифокор, исми Комилжон Ҳошимов, 1950 йил туғилган. Ўрта Осиё педиатрия институтини тамомлаган, тўрт фарзанднинг отаси.***

Баҳодир МУРОД АЛИ: — Комилжон ака, гапнинг аввалини табобатдан, яъниким, врачликнинг ўзидан бошласак. Бизда институтлардан, медитсина билим юртларидан докторлар, ҳамширалар бирма-бир етилиб келишяпти. Ҳозир медитсина соҳасига кириб келаётган кишилар ҳақида сиз қандай фикрдасиз?

Комилжон ҲОШИМОВ: — Табиблар миллатнинг устуни. Демак табиблик шунчаки кун кечириш учун ўқиб-ўрганадиган касблар сирасига кирмайди. Бу ҳунарни эгаллаш худо берган кишиларгагина насиб этади. Шунинг учун баъзи-баъзида доктор кўп-у, лекин табиб йўқ, деган ибора қулоққа чалиниб қолади. Врач деган ном шунчаки мартаба эмаслигини унинг масъулияти оғир, ҳаддан ташқари илм-маърифат билан боғланиб кетганлигини ҳар бир табиб чуқур тушуниб етмоғи ва шунга муносиб иш олиб бормоғи лозим, деб биламан.

Бошқа ўқув юртлари каби тиббиёт билим даргоҳларига ҳам баъзан тасодифлар билан лаёқатсиз, Аллоҳнинг ўзи бу соҳани юқтирмаган йигит-қизлар кириб қолишади. Улар ўқишни амал-тақал битириб, пировардида нўноқ мутахассисларга айланишади. Бундай кимсага дуч келган беморнинг эса ҳолига маймунлар йиғлайди. Улар боис бўлиб одамларнинг тиббиётга, докторларга нисбатан ҳурмат- эҳтироми баъзан сўнади, ҳам, медитсинадан кўнгли совийди.

Мен шундай тушунаман: яхши илм олган, ишини кўнгилдагидек қила оладиган йигит-қизлар ҳам табобат юмушига киришишдан олдин устоз кўрмоғи, унинг назаридан ўтиб, оқ фотиҳасини олмоғи фойдадан ҳоли бўлмайди.

Медитсинамизнинг ютуғи — бу бизнинг ютуғимиз. Ана шу ютуқни мустаҳкамлаш учун, мустақил давлатимизнинг мустақил тиббиётини юксалтириш учун ҳам мазкур камчиликларга тўхталяпман. Бу қусурлар ҳақида, медитсинамизнинг дарди ҳақидаги фикрларимни ҳамкасб дўстларим тўғри тушунишади, деб ўйлайман.

Энди бояги сиз айтган масалага келсак. Шолини ичида барибир курмаги ҳам бўлади, бу — тараққиётнинг белгиси. Бир қудсий ҳадисда Раҳматимни рақобатга яширдим, дейилган. Лекин бефарқ қолинса, бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Биз курмак ичидаги шолидан қаноатланмаслигимиз учун, менда бир таклиф бор: ҳар бир медитсина ходимига ўнтадан бемор биркитилсин. Шуни даволай олишга қурби етса, ишласин. Беморларни даволашимизга қараб бизларни имтиҳон қилишса, адолатдан бўлади.

***Б.М: — Комилжон ака, врачлик ҳақидаги гаплардан дори ҳақидаги фикрларга тўхталсак. Назаримда доктор билан дори орасида боғлиқлик йўқдай туюлаверади (фармасевтика алоҳида, медитсина алоҳида). Ўзингиз ўйланг; врач мен сени даволайман деб турса-ю, дорини биров тайёрлаб берса, қизиқда. Врачнинг бу ҳолати деҳқонларга ўхшаб кетади. Негаки, деҳқонларимиз ҳам экинтекинини тайёр химиявий ўғитлар ёки дорилар билан муолажа қиладилар. Тўғри, юқори ҳосил оладилар, бироқ ерни ишдан чиқариб қўядилар-да... Агар доктор ўзи пешона тери тўкиб, изланиб дори тайёрласа борми, унинг қадрига ҳам етади. Даъво усулини дорининг кор қилишига қараб белгилайди. Ҳозир қанақа, дорилар гоҳ дардни кучайтириб юборади (ёки даволайди) гоҳ реаксия бериб беморнинг тинкасини қуритади.***

***Ўйлаб кўрилса, дори билан врачнинг бўлиниб кетиши ҳам табиийдек. Нега деганда деярли 90 фоиз дори-дармонлар химиявий моддалардан иборат. Ўлик маъданлар тирик вужудга бегона. Шу ернинг ўзида табиийлик бузилган. Дорилар гиёҳлардан вужудга зарарсиз сингадиган бўлганида эди, фармасевтика медитсинадан ажралмасмиди... Барибир бундайин оммавий дори тайёрлайдиган улкан завод-фабрикалар бориб-бориб ўзини оқламайди. Дорилар тайёрлаш яна врачларнинг зиммасига юклатилади деб ўйлайман. Ахир ҳозирги кунда Оврўпонинг Германия, Англия, Франсия каби тараққий этган давлатларида химиявий дори тайёрлашдан воз кечилаяпти.***

К. Ҳ: — Баҳодиржон, гапингизга қўшилиш қийин. Лекин шунга қарамасдан унда қандайдир мантиқ бордай туюлаяпти. Аммо бу даволаш методи бутун дунёда шундай қабул қилинган. Биз бунга бошқача ёндошолмаймиз. Акс ҳолда жаҳон медитсинасидан узилиб қоламиз.

***Б.М: — Комилжон ака, керак бўлса, жаҳон медитсинаси биздан ажралиб қолишдан чўчисин. Биз улардан эмас...***

Қ.Ҳ: — Бу — чиройли лутф, холос. Илм-фан эса аслликни хоҳлайди. Лекин Сиз медитсинанинг ватани бизнинг юртимиз. Бизда жаҳон медитсинаси ўргангулик мактаб бор демоқчисизда-а, тўғрими?

***Б. М: — Худди шундай.***

Қ. Ҳ: — Сиз айтаётган ўша медитсина ҳозирги кунда ўз кучи, инертсиясини йўқотган. Собиқ шўро замонида бидъат деб, қанчадан-қанча синиқчилар, халқ табибларидан ўз юзини ўгирмади. Шуларнинг касри туфайли биз дунё медитсинасининг ютуқларига муҳтожмиз. Кейин, бизнинг врачларимиз гиёҳлар билан тиллашишдан, анъанавий томирини ушлаб дардини айтадиган илмлардан узилиб қолишган. Зероки мана энди мустақиллик туфайли малакамиз яна ҳам ошиб медитсинамиз олдинги юқори поғонага кўтарилса.

Боя айтганимиздек, дори билан докторнинг бир-биридан узилиб қолишининг сабаби ҳақиқатдан жонсизнинг жонига бирикмаслигидадир. Аммо ҳозирги пайтда мустақил давлатимизнинг мустақил докторлари ўз имкониятларидан тўла фойдаланишяпти деб ўйлайман. Фақат химиявий дорилар билан чекланиб қолишишаётгани йўқ. Ўзбекистон фанлар академиясининг бир қатор олимлари, врачларнинг малакасини ошириш институти ходимлари ва қанча тажрибали врачлар кўп изланишлар олиб бормоқдалар. Бу илмий тадқиқотлар шубҳасиз самарасини бермоқда. Гиёҳлардан, инсон жисмига ёмон таъсир этмайдиган моддалардан турли туман дорилар тайёрлашмоқда ва булар медитсинамизда қўлланилиб яхши натижалар кўрсатмоқда.

**Б. М.: — Врачлик, дори ҳақидаги мулоҳазалари учун ташаккур. Навбатдаги тўхталиши мумкин бўлган муаммоларимиздан бири врач ва бемор тўғрисидадир. Мана масалан, бир қориндан тушган Ҳасан ва Ҳусан бир хил касалликка чалинса, уларни даволаш усули икки хил кечадими, ёки бир хилми?**

К. Ҳ.: — Албатта, икки хил муносабат зарур. Ахир улар иккита алоҳида-алоҳида вужуд, касалликни қабул қилиши ҳам турлича.

**Б. М.: — Касалликларни даволаш йўриғининг деярли ҳаммаси Россия медитсина фанлари академиясида ишлаб чиқилиб, собиқ СССР соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва жорий этилган. Шундайми?**

К. Ҳ.: — Шундай.

**Б. М.: — Комилжон ака, қизиқ-да, бу ёкда Ҳасан ва Ҳусанни даволаш учун икки хил ёндошув керак деймизда, совуқ мижозли халқларга мўлжаллаб тузилган дастур асосида иссиқ мижозли халқларни даволайверамиз. Ахир бу даволаш йўриғи Оврўпо халқларининг мижозига мослаб тузилган-ку. Бунга муносабатимиз қандай?**

К. Ҳ.: — Ҳозирги пайтда истаймизми, истамаймизми ана шу Оврупо олимларининг тузган дастурларидан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки деярли ҳамма замонавий дастгоҳ-ускуналар, техника, дорилар Оврўподан келади. Ерли шароитга, мижозга мўлжалланган тиббий дастур қўллашни вақти етди. Бизнинг олимларимиз, тажрибали врачларимиз ана шундай муолажа йўриғини қўллашяпти, шоядки, ҳадемай медитсинамиз уларнинг дастури бўйича тўла даволашга ўтса. Буни фақат мустақил давлатимизнинг шарофати туфайлигина амалга ошириш мумкин.

***Б. М.: — Мустақил давлатимизнинг мазкур мустақил даволаш дастурининг асослари нимадан иборат бўлади?***

К. Ҳ.: — Мустақил медитсинамизнинг даво йўриғи менимча, халқ табобати билан омухта ҳолда ҳамда жаҳон медитсинасининг сўнгги ютуқлари билан бирга тузилади. Биринчи бўлиб халқ медитсинасини тилга олишимнинг сабаби давлатимизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир тумани ҳаттоки ҳар бир қишлоғининг ўз иқлимига мос муолажа усули бор. Бу дегани табобат илми халқимизнинг ўзида бор дегани. Бизнинг медитсина ходимларининг вазифаси қишлоқлардаги касалликларни даволаш методларини йиғиб ўрганишимиз, уларни китоб ҳолида чоп эттиришимиз ва уларни илмий истифодага киритмоғимиз шарт. Мисол учун Тибет медитсинаси ҳозир дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг боиси Хитой медитсинаси халқ табобатини ҳам замон медитсинаси билан қоришиқ ҳолда олиб борганидадир. Уларда халқ табобатининг вакили ҳам, врач ҳам бир-бирининг ишидан хабардор. Ҳадемай бизда ҳам ана шундай имконият бўлади, деган умиддаман.

**Б. М.: — Медитсина ҳақида озгина бўлса ҳам суҳбат қурдик, мулоҳаза юритдик. Бу фикрлар бир оз саёзроқ, жўнроқ, бир оз нотабиийроқ бўлиши мумкин. Шунга қарамай нималаргадир туртки бўлса ажаб эмас. Сизга мулоқот учун миннатдорчилик билдираман.**

**Баҳодир МУРОД АЛИ мулоқот қилди**

# САРКАРДА, МУНАЖЖИМ, ҲОЖИ

## *АМИР ТЕМУР АРДОҚЛАГАН ИНСОН*



Тарихнинг далолат беришича, Амир Темур қўшинининг турли қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган. Туман, яъни ўн мингликларга Соҳибқирон фарзандлари, набиралари ҳамда амир Ҳожи Сайфуддин, амир Шайх Нуруддин, амир Шоҳмалик, амир Аллоҳдод, амир Сулаймоншоҳ, амир Жаҳоншоҳ сингари истеъдодли лашкарбошилар раҳбарлик қилган.

Темур тарбиялаб вояга етказган атоқли саркардалар қаторидан Соҳибқироннинг яқин сафдоши, бутун умрини Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашга бахшида қилган Ҳожи Сайфуддиннинг алоҳида ўрин олганлиги тарихдан маълум.

1362 йили Чиғатойхон наслидан бўлмиш Жата (Мўғулистон) ҳукмдори Туғлук, Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга черик тортгандан сўнг ўз юртига қайтади. Мовароуннаҳрда қолган мўғул нўёнлари ва қавмига бошчилик қилиш амир Бикижак зиммасига юклатилади. Маҳаллий халқнинг тинчлик ва осойишталигини таъминлаш ишлари эса эндигина йигирма олти ёшга тўлган Амир Темурнинг вазифаси этиб белгиланади.

Туғлуқ Темурхон ўз қароргоҳига қайтгандан кейин Бикижак зулм ва бедодлик кўчасига қадам қўяди. Ўзбошимчалик ва зўравонлик авжига чиқади. Адолат ва ҳақиқат бузилади. Хоннинг ясоғига амал қилинмайди. Бошбошдоқлик ҳукм сура бошлайди.

Ушбу ҳолатда эл-улуснинг келажаги, меҳнаткаш омманинг аҳволи, албатта, инқирозга юз тутиши муқаррарлигини тез фаҳмлаб етган Темур 1346—1357 йиллар давомида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган амир Қазағаннинг набираси, Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг фармонбардори амир Ҳусайн билан иттифоқ тузишга ва биргаликда зулматда қолган мамлакатни мўғул босқинчилари истибдодидан халос қилишга аҳд қилади.

Хива яқинидаги Соғаж қудуғи бошида Соҳибқирон амир Ҳусайн билан дийдор кўришади ва бу ердан биргалашиб Хива ҳокими Тўкалнинг хузурига йўл оладилар. Бироқ Хива хокими икки бекни қўлга тушириб, уларни қатл этмоқни режалаштиради. Ғаддор Тўкалнинг макридан ўз вақтида огоҳ бўлган иттифоқчилар олтмиш суворий ҳамроҳлигида Мурғоб дарёсининг қуйи қисмига қараб илдам юрадилар. Тўкал уларнинг изидан яхши қуролланган мингта отлиқ аскар билан равон ва шитобон бўлиб, кун чиққан пайтда иттифоқчиларга етиб олади. Икки томоннинг баҳодирлари уруш ва савашга юз тутади. Аёвсиз жанг шу даражага етадики, Амир Темур ва амир Ҳусайнларнинг олтмиш навкаридан етти киши, Тўкалнинг минг аскаридан эса атиги эллик нафари тирик қолади.

Соҳибқироннинг омон қолган сафдошлари ичида Тағойбуға барлос, Элчи баҳодир қатори нукуз уруғидан чиққан Сайфуддин ҳам бор эди. Ушбу тенгсиз жанг чоғида амир Сайфуддиннинг ўзи амалга оширмоқчи бўлган ўта масъулиятли, яъни ўз мустақиллиги ва бирлигидан маҳрум бўлган, тобелик кишанига боғланиб қолган, ҳокимият учун беклар, амирлар олиб бораётган ўзаро қирғинбарот урушлар туфайли тинкаси қуриган Она Ватан-Туронзаминни сал кам бир ярим асрлик мўғул зулмидан озод қилиш, бек ва амирларнинг бошини қовуштириб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва айниқса, ҳарбий жиҳатдан қудратли марказлашган давлат барпо этишдек олижаноб ишга ҳамфикр ва содиқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилган Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, унга улуғ саркардалар сафидан жой берди, подшоҳона лутфу хусравона марҳаматлар билан тақдирлади, чексиз карам ва иноятлар кўрсатиб, ҳамиша кўнглини олишга ҳаракат қилди.

Амир Темур эл-юрт орасидаги мавқеи кучайганлиги ва омма орасидаги эътибори ортганлиги равшан бўлгач, икки минг отлиқ аскар билан Вахш водийсидан чиқиб киндик қони тўкилган, айни кезларда Жата лашкари қўл остида қолган Кеш, яъни Шаҳрисабз томон юради. Бойсун яқинидаги «Темур дарвоза»га қўнган Соҳибқирон аскарлари сафига Кеш ва унинг атрофидан кўчиб келган кишилар тўда-тўда қўшила бошлайди. Амир Темур қўшиндан уч юз сарасини танлаб олади ва Яратгандан мадад тилаб, таваккал юзини йўлга қаратади. Юриш асносида мазкур уч юз жангчининг икки юзтасига амир Сайфуддин, амир Сулаймон барлос, амир Жоку барлосларни сардор қилиб Кеш тарафига илғор қилишни буюради.

Тўрт қўшун, яъни қисмга бўлинган аскарларнинг ҳар бири Соҳибқирон амрига биноан ҳар бир отнинг иккала ёнига иккита шохни боғлаб, ерга судрагудек осиб қўядилар ва ҳамма ёқни чангитадилар. Узоқдан кўтарилган гард ва тўзони кўрган Кеш доруғаси катта қўшин келаётганлигини хаёл қилиб, қочишдан ўзга чора топмайди.

Маълумки, 1365 йил май ойининг охирида Арис дарёсига қуйилувчи Бодом суви катерида Соҳибқирон ва амир Ҳусайн бошлиқ қўшиннинг Илёсхожахон сардорлигидаги Жата сипоҳи билан тўқнашуви бўлиб ўтади. Тарихда «Лой жанги» номи билан машҳур бўлган ушбу муҳораба чоғида Амир Темур қўшинининг чап қаноти-жуванғардан ўрин олади. Жуванғарнинг қанот ҳимояси—кунбулга қипчоқ қавми билан амир Сарибўғани тайин қилади. Илғор қисм-ҳиравулда Темурхожа ўғлон муқаррар бўлади. Амир Сайфуддин, амир Мусо барлос ҳамда Аббос баҳодир марказ-қўлда қарор топадилар.

1365 йилнинг кузида Соҳибқирон улкан черик билан амир Ҳусайн размига азм этиб, амир Сайфуддинни катта бир аскарий гуруҳга бош қилиб манглай-илғор қисмга қўяди.

Амир Ҳусайннинг амир Мусо ва амир Ҳиндушоҳ сардорлигидаги қўшини Қаршини эгаллаб турган вақтда Темур озгина сипоҳ билан Марв шаҳри яқинидаги Мохон қишлоғи орқали Амударёдан ўтиб чўлда кўнимгоҳ топади.

«Биз Ҳиротга, Малик ҳузурига кетяпмиз»,—деб овоза тарқатган Соҳибқирон ўз қўл остида бўлган икки юз қирқ уч нафар марду майдон билан ғанимлардан интиқом олмоққа жазм қилади ва Нахшабда турган амир Ҳусайннинг ўн икки минг кишилик қўшинига қарши юради.

Жасурлик ва довюраклик нишонаси ҳисобланмиш ушбу зафаркирдор юриш чоғида Соҳибқиронга бир тан ва бир жон бўлган амир Довуд дўғлат, амир Жоку, амир Муайяд арлот, Суюрғатмиш ўғлон, амир Сарибўға жалойир, Ҳусайн баҳодир, Аббос баҳодир қипчоқ, Оқбўға баҳодир найман, Маҳмудшоҳ Бухорий каби хослар қаторидан амир Сайфуддин ҳам муносиб ўрин олган эди.

Амир Темур ишлатган ҳарбий тадбир натижасида Қаршини эгаллашга муваффақ бўлган ғолиб аскарларни қалъадан сиқиб чиқариш ниятида тўпланган ўн икки минг кишилик душман лашкари шаҳарни қамал қилади. Соҳибқироннинг фармонига кўра шаҳар дарвозаларидан Ҳузор дарвозасини ҳимоя қилишни амир Довуд, амир Муайяд ва амир Сайфуддинлар ўз зиммасига олади.

Суюрғатмиш ўғлон, амир Аббос, Ҳусайн баҳодир, Оқбўға ва ўзга беклар қалъанинг бурж ва боруларида туриб ғаним аскарларига қирон келтиради.

Амир Муайяд ўттизта сараланган жасурлар бошчилигида ташқарига чиқади ва ажал уруғини сочмоқчи бўлиб ҳаракат қилаётган душман сафлари устига шердай ташланади. Шу вақтда рақиб қаторида бўлган Дуваррака баҳодир ундан юз ўгиради ва қалъага кириб Соҳибқирон мулозимлари сафидан ўрин олади.

Амир Темур жанг натижасини шу куниёқ ҳал қилиш мақсадида ташқарига чиқмоқчи ва ёвга интиқом қиличи зарбини намойиш этмоқчи эканлиги ҳақида бек ва амирларга маълум қилади. Илми нужум ва фол очиш сирларидан яхши хабардор бўлган амир Сайфуддин Темурга бугунча сабр қилиш лозимлигини, эртаси пешин пайтида ўйлаган режасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини маслаҳат беради. Соҳибқирон Сайфуддиннинг бамаъни маслаҳатини маъқул топади ва қалъадан ташқарига чиқиш режаси вақтинча кечиктирилади.

Амир Темур ўзи билан амир Ҳусайн ўртасидаги нифоқ мамлакат ҳаробалигига ва раъият паришонлигига сабаб бўлаётганлигидан ич-ичйдан эзилиб юрар ва иложини топса Ҳусайн билан ярашиш ниятида эди.

Амир Ҳусайн қошидан келган ишончли кишилар унинг Соҳибқирон билан сулҳ тузиб, ярашишга аҳд қилганлигини арзга етказади.

Темур пайдо бўлган имкониятни қўлдан чиқармаслик мақсадида иккиланмасдан йўлга отланади. Сирдарёдан ўтиб амир Ҳусайннинг саркардаси Пўлодбўға эгаллаб бўлган Самарқанд томон равона бўлади.

Шаҳарга яқин келингач, ичкаридан бир киши чиқиб амир Ҳусайннинг бевақт вафот этканлиги ҳақидаги сохта хабарни етказади. Соҳибқирон ушбу нохуш хабарни эшитгач, Самарқандга киришдан воз кечади ва Жом сойи бўйига тушади. Жангчилар хордиқ чиқаргандан ҳамда отлар тўйиб ўтлаб олгандан кейин Темур Ўратепа томонга қараб жиловни буради.

Соҳибқирон Ниёзий мавзеига етиб келганда тахт учун кураш олиб бораётган, айни чоғда амир Ҳусайн тарафида турган амир Мусо улкан лашкар билан унинг йўлини тўсади. Темурнинг довюрак ботирлари Соҳибқироннинг амир Мусога нисбатан заррача ҳам ғарази йўқлигини, ҳозирда унинг билан амир Ҳусайн ўртасида ниш ураётган адоватни дўстлик ва самимият риштали билан алмаштириш ниятида амир Ҳусайн билан битим тузиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун келаётганлигини изҳор қиладилар. Лекин амир Мусо ўз туғи остига йиғилган қўшиннинг кўп сонлилигига мағрурланиб бу сўзларга қулоқ осмайди, муҳораба вақтида лашкар адади эмас, балки саркарданинг истеъдоди ва шижоати муҳим омил эканлигини англаб етмайди.

Натижада аввал ҳам бир неча қатла Темур билан бўлган тўқнашувларда мағлубият аламини тортган амир Мусо ўч олиш йўлида аскарларини жанговар тартиб-ясолга тизади ва Соҳибқиронга зўр келтирмоқчи бўлади.

Душман билан жанг қилишдан ўзга чора йўқлигига иқрор бўлган Темур амир Сайфуддин ва Хитой баҳодирни эллик киши билан ёвнинг ён қанотидан айланиб ўтиб, ортга кучли зарба бериш учун жўнатади. Ўзи эса етмиш жангчиси билан ғанимга юзма-юз келади. Ҳам олддан, ҳам ортдан қақшатқич зарбага бардош беролмаган амир Мусо лашкари фирор йўлини тутади.

Аллоҳ таоло ато этган буюк ташкилотчилик салоҳияти ва саркардалик истеъдоди туфайли Она заминни бир неча йиллик мўғул босқинчилари истибдодидан халос қилишга, беклар, амирлар, нўёнлар ўртасидаги ўзаро низо ва жанжалларни бартараф этишга, раъиятнинг турмуш тарзини маълум даражада яхшилашга муяссар бўлган Амир Темур ўттиз тўрт ёшида, яъни 1370 йилнинг 9 апрелида тахтга ўтиргач Ватан озодлиги, эл-улус осойишталиги ва равнақи йўлида унга сидқидил билан ҳамроҳ бўлган, қанчадан-қанча жангу жадалларда қаҳрамонлик намуналари кўрсатган, қишнинг қаҳратон тунларида, ёзнинг жазирама кунларида совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай ўзига ҳамфикр, ҳамсаф бўлган энг яқин биродарларини, хосларини, мулозиму навкарларини уларнинг жамиятда тутган ўрни ва салтанатдаги мавқеларига қараб улуғлади; олий унвонлар ва мансаблар билан сарафроз қилди, подшоҳона туҳфалар ва тортиқларга сазовор этди.

Бу кезларга келиб Самарқанд яқинидаги Сарипул атроф ва жавонибида яшовчи ясавурийлар сардори Хизр ясовурийнинг қизига уйланган амир Сайфуддинга амир Жоку, Аббос баҳодир, амир Искандар ва бошқа номдор саркардалар қатори давлатдаги мавжуд олий ҳарбий рутбаларнинг навбатдагиси ҳисобланган лашкар амири ва тавачи мансаби берилади.

1371 йилнинг баҳорида Соҳибқирон катта лашкар жам қилиб ва уруш асбобларини мураттаб этиб Хоразм волийси Ҳусайн сўфига қарши илк марта қўшин тортади. Амир Сайфуддин Темур томонидан Самарқанд дорус-салтана доруғаси этиб тайинланганлиги туфайли ушбу юришда иштирок этолмайди.

Сайфуддин Самарқанд доруғаси вазифасида 1375 йилнинг кўкламигача, яъни Соҳибқироннинг учинчи маротаба Хоразм тарафга лашкар тортиб боргунга қадар фаолият кўрсатади.

1376 йили Темур севимли фарзанди Жаҳонгир мирзони Самарқандни бошқариш учун қолдириб, ўзи Мўғулистон томонга юриш қилади. Сафардан пойтахтга мансур ва музаффар қайтган Соҳибқирон машъум воқеанинг устидан чиқади.

Эндигина йигирма баҳорни қаршилаган Жаҳонгир мирзо бевақт ҳаётдан кўз юмган, оғир жудоликдан чуқур мусибатга тушган шаҳар аҳли мотам ва аза қонун-қоидаларини бажо келтирмоқда эди.

Фарзанди доғида куйган Амир Темур Аллоҳнинг ҳукмига бўйсуниб, бир неча кун давомида шариат аҳлини йиғиб навқирон амирзода арвоҳига хатми Қуръон қилдиради, халққа ош ва таомлар тортади, фақиру мискинларга садақалар улашади. Шундан сўнг марҳум амирзода наъши олий фармонга кўра Шаҳрисабзга жўнатилади ва у ерда иззату икром билан дафн этилади.

Жаҳонгир мирзо вафотидан маълум фурсат ўтгач, амир Сайфуддин Байтуллоҳга ҳаж зиёратига бориб Маккаи муаззамада туради ҳамда бир неча вақт марҳум мирзонинг фироқида маълул ва маҳзун бўлиб, ғаму ҳасрат чекади. Ҳаж амалларини адо этган амир Ҳожи Сайфуддин 1377 йилнинг қишида муборак сафардан қайтади ва Соҳибқирон палосини ўпиш шарафига муваффақ бўлиб, Темурга мулозамат қилиш саодатига сазовор бўлади ва шоҳона меҳрибонлик билан тақдирланади.

Соҳибқирон Ҳожи Сайфуддиннинг нафақат илми ҳарб, илми нужум, илми шариат, шунингдек, дипломатиядан ҳам яхши хабардорлигини билар, шунинг учун кўпгина ҳолларда унинг зиммасига масъулиятли музокаралар олиб бориш вазифасини юклар эди.

Мисол тариқасида 1380 йили Ҳожи Сайфуддиннинг Темур топшириғига биноан Ҳиротга бориши, Дорус-салом волийси Малик Ғиёсуддинни Самарқанди фирдавсмонандга келишга даъват этишини келтириш лозим бўлади. 1382 йилнинг охирида Малик Муҳаммад бошлиқ ғўрийлар исён кўтариб Ҳиротда хизмат бурчини ўтаётган мовароуннаҳрликлар жонига қасд қилади. Исён хабари Мурғоб дарёси яқинидаги қишловда турган Мироншоҳ мирзо қулоғига етгач, амирзода Ҳожи Сайфуддин ва Оқбўғани нусратпаноҳ қўшин билан Ҳиротга жўнатади. Ҳиротга шитоб билан етиб келган қўшин ҳар дақиқани ғанимат билиб, душман кучлари билан жангга киради. Ҳар икки томоннинг йигитлари қитол ва жидол бобида жонбозлик кўрсатадилар. Ниҳоят Ҳожи Сайфуддин ва Оқбўға аскарлари ғолиб келиб, исёнчилар шикаст топади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, Амир Темур юришлари тарихига оид асарларнинг аксариятида мана шу йилдан кейинги сана воқеалари тасвирида Ҳожи Сайфуддинни Амироншоҳ кўрагон сардорлигидаги ўнг қўл—баранғарнинг қўмондонлари сафида тез-тез кўриш мумкин.

1383 йилнинг ёзида Соҳибқирон учинчи марта Эрон жонибиға черик тортиб боради.

1396 йил Соҳибқирон зафаркирдор лашкарини жамлаб бўлгандан сўнг амир Довуднинг ўғли амир Сулаймоншоҳ раҳбарлигидаги номдор умарони Самарқандни бошқаришга тайин этади ва таважжуҳ юзини Ғарбга қаратади. Боғдод ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир нусратосар қўшин билан юзма-юз келишга ботинолмай лашкарини ташлаб қочади. Фирор йўлини тутган Султон Аҳмадни таъқиб қилишни Темур Ҳожи Сайфуддин бошлиқ бир неча бекларга юклайди.

1387 йили Соҳибқирон амир Шайҳ Али баҳодирни Озарбойжоннинг мустаҳкам қалъаларидан Боязид қалъасини забт этишга юборади. Маълум фурсатдан сўнг Ҳожи Сайфуддин ва Ику Темур Шайх Али баҳодирга мадад ва кўмак бериш учун унинг изидан йўлга чиқадилар. Умаролар накб(лаҳм)чиларнинг яқиндан кўрсатган ёрдами натижасида қалъа атрофида қазилган хандакларни тўлдирилган сувдан қуритадилар ва ҳарбу қитолдан кейин Боязид қалъасини фатҳ этадилар. Қалъа ҳокими банди қилиниб, Темур даргоҳига етказилади.

1388 йилнинг эрта кўкламида Мовароуннаҳрга суқилиб кирган Тўхтамишхоннинг Тангриберди бошчилигидаги аскарий қисмини Сирдарё бўйида мағлуб этган Соҳибқирон иккинчи ўғли Умаршайх мирзо, Ҳожи Сайфуддин ва Ику Темурларни Сирдарёдаги кўприкларни тартибга солиш учун жўнатади. Шу йилнинг ноябрида Амир Темур Ҳожи Сайфуддинни ўғруқ (обоз)қа қўмондон қилиб белгилайди ва уни дорус-салтана Самарқандга узатади.

Ўзи эса қўшин билан Арис дарёсидан ўтиб Сабронни ишғол қилолмаётган Тўхтамишхонга қарши юради ва Дашти Қипчоқ ҳудудларига қадам қўяди.

Темур 1390—1391 йили Тўхтамишхон билан жанг қилиш мақсадида уни бир неча ой Дашти Қипчоқ бўйлаб таъқиб қилиб боради. Хон Соҳибқирон билан юзма-юз тўқнашишга ботинмай шимолга чекинади. Амир Темур узоқ муддатли сафарнинг аскарлар руҳига салбий таъсир қила бошлаганлигини пайқагач, зудлик билан ўғли Умаршайх мирзо, амир Ҳожи Сайфуддин, Суюнчак, Санжар ва Усмон ибн Аббос қўмондонлигидаги йигирма минг кишилик отлиқ қўшинни қандай йўл билан бўлса ҳам хон сипоҳини излаб топиш ва уларни жангга киришга мажбур этишни буюради. Бу суворий аскарий қисм олий бош қўмондоннинг топшириғини бекаму кўст бажаради ва икки қўшин орасида 1391 йилнинг 18 июнида Самара вилоятининг кундузги мавзеида ўша вақтнинг энг йирик ва даҳшатли муҳорабаларидан бири бўлиб ўтади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ушбу жанг чоғи Амир Темур ўзининг икки юз минг кишилик армиясини етти қисм, яъни қўлга бўлади. Амир Ҳожи Сайфуддинга Мироншоҳ бошчилигидаги ўнг қўл-баранғарнинг қанот қўриқчиси, яъни кунбулга қўмондонлик қилиш вазифаси юклатилади. Икки рақиб қўшинлари таблу ноғораларни гумбирлатиб, туғу байроқларни ҳилпиратиб, наъраю сурон солиб бир-бирига рўпара келгач, амир Ҳожи Сайфуддин ўз кунбули билан ҳаммадан бурун интиқом тиғини қиндан чиқариб шиддат билан қаршисида турган хоннинг сўл қўл-жуванғарига хужум қилади ва уни тор-мор этади. Душман қисмининг сафи бузилиб қочмоққа юз тутади. Ғалабадан илҳомланиб кетган амир Ҳожи Сайфуддин аскарлари қочоқларни таъқиб қилади. Шу пайт ғанимнинг бир неча бўлинмалари таъқибчиларни қуршовга олиш мақсадида уларнинг изига тушади. Ёв режасини ўз вақтида сезган амир Жаҳоншоҳ ўз қисми билан бу аскарларнинг йўлини тутади.

Темурбек Тўхтамишхонни мағлуб этгандан кейин маълум фурсатдан сўнг дорус-салтана Самарқандга йўл олади. Ўғруқни эсон-омон пойтахтга етказиб боришни ишончли ва тажрибали саркарда Ҳожи Сайфуддинга топширади. Моҳир лашкарбоши Ҳожи Сайфуддин бу вазифани ҳам ўринлатиб адо этади. 1392 йил мартида ўғруқ билан Тошкент воҳасида дам олиб турган Ҳумоюн ўрдуга қўшилади. Соҳибқирон ўғруқнинг бешикаст ва талофатсиз етиб келганлигидан беҳад шод бўлади ва Ҳожи Сайфуддин шаънига таҳсину офаринлар айтади.

Дашти Қипчоқдан зафар қучиб қайтган ғолиб қўшин қиш мавсумини Тошкентда ўтказгач, кўкламда Самарқандга етиб келади.

Пойтахт аҳли музаффар лашкарни зўр шоду хуррамлик билан кутиб олади. Узоқ ва оғир юришдан қайтиб келган Темурбек улуғ тўй асбобини тузишга фармон беради ва набиралари — Умаршайх мирзонинг икки ўғли Пир Муҳаммад мирзо, Рустам мирзо ва Мироншоҳ кўрагоннинг фарзанди Абу Бакр мирзоларнинг никоҳ тўйлари муносабати билан эл-улусга дастурхон ёзади. Соҳибқирон Ҳожи Сайфуддин билан бўлган дўстона алоқаларни қариндошлик риштаси билан мустаҳкамлашга қарор қилади ва амирнинг қизини севимли набираси Абу Бакрга никоҳлаб беради. Бу воқеа 1392 йилнинг баҳорида содир бўлади. Ушбу тўю тароналардан сўнг Амир Темур беш йиллик юриш азми билан сафар туғин баланд кўтаради.

1393 йил Соҳибқирон Кавказдаги бир қанча мустаҳкам қалъаларни забт этиб, Уник қалъаси теварагидаги мавзеда хуррамлик билан турган чоғда Ҳожи Сайфуддин Мовароуннаҳрдан келиб, салтанатдаги аҳволдан Амир Темурни бохабар қилади. Бир неча кундан кейин Соҳибқирон Ҳожи Сайфуддин, Бурҳон ўғлон, амир Жаҳоншоҳ, амир Усмон ибн Аббос баҳодир бошлиқ катта қўшинни Гуржистон томонга юборади. Тифлисга яқин келингач, Ҳожи Сайфуддин ва бошқа беку амирлар фармонга кўра бу вилоятнинг кент ва қишлоқларига кирадилар.

1395 йилнинг эрта баҳорида Тўхтамишхон билан сулҳ тузиш нияти рўёбга чиқмаган Соҳибқирон улкан қўшин билан Дарбанд довонидан ошиб Дашти Қипчоқ лашкари билан Терек дарёси бўйидаги кенг даштда рўпара келади.

15 апрел чоршанба куни Амир Темур ва Тўхтамишхон қўшинлари ўртасида иккинчи марта ўша даврнинг энг катта ва даҳшатли жанги бўлиб ўтади.

Ҳожи Сайфуддиннинг лашкарбошилик истеъдоди, шижоати ва мустаҳкам иродаси уч кун давом этган ушбу савашда яна бир бор яққол намоён бўлади.

Жангнинг биринчи куни кутилмаганда Соҳибқирон қўл остида турган қисмлар душман исканжасига тушиш хавфи пайдо бўлиб қолади. Амир Темурга биринчи бўлиб кўмакка етиб келган амир Шайх Нуруддин сардорлигидаги аскарлар ёпирилиб келаётган хон жангчиларини тўхтатади. Бироқ, Тўхтамишхон қўшинининг ҳамласи борган сари кучая боради. Марказдан ёрдамга ташланган Муҳаммад Султон баҳодир мирзо ҳамда Устайбек қўмондонлигидаги кучли қисмларнинг жангга кириши ва айниқса, амир Ҳожи Сайфуддин ва амир Жаҳоншоҳ қўл остидаги қисмларнинг пистирмадан чиқиб хон армиясининг сўл қўл-жуванғарига кучли зарба бериши вазиятнинг маълум даражада барқарорлашишига олиб келади.

Жангнинг иккинчи куни Тўхтамишхон Исабий ва Бахши Ҳожи қисмларидан ташкил топган жуванғарини майдонга ташлайди. Соҳибқироннинг илғор қисм — ҳиравулини янчиб ўтишга муваффақ бўлган бу қўшин қаноти Амир Темур лашкари ўнг қўлидан жой олган Ҳожи Сайфуддин туманини қуршаб олади ва тўзитиб юборади. Жангчиларининг тарқалиб кетганлигидан мутлақо саросимага тушмаган Ҳожи Сайфуддин туманнинг қолган қисми билан қаршилик кўрсатишда давом этади. Ўз сафдошларининг отлардан сакраб тушиб, тиз чўккан ҳолда душман устига ажал ўқлари ёғдираётганлигини кўрган аскарлар ортларига қайтиб, дўстлари сафига қўшилади.

Соҳибқирон қўшинининг тўла ғалабаси билан ниҳоясига етган мазкур жанг пайтида отдан йиқилиб оёғи лат еган Амироншоҳ мирзони Темур ўғруқ раҳбарлигига қўяди. Моҳир ва тажрибали саркарда Ҳожи Сайфуддин ҳамда амир Ёдгор барлос амирзодага ноиблик қилади.

Соҳибқирон мағлубиятга учраган Тўхтамишхон ва унинг қисмларини таъқиб этиб, Рус ва Черкас ерларидан ўтиб, Албурз тоғи томон жўнаб кетар экан, ишончли амир Ҳожи Сайфуддинни қўшда қолдиради. Юришдан қайтган Темур шарафига Ҳожи Сайфуддин ўз қароргоҳида шоҳона базм уюштиради ва ҳукмдорнинг таҳсинига сазовор бўлади.

1398 йили Амир Темур набираси Пир Муҳаммад мирзога Мўғулистонга бориб у сарҳадни бошқаришни амр этади. Амир Ҳожи Сайфуддин ҳамда Бердибек Сарибўға, Худайдод Ҳусайний, Шамсуддин ибн Аббос баҳодир бошлиқ бир неча номдор умаро 40 минг аскар билан ёш амирзоданинг мулозимлигига тайинланди. Уларнинг зиммасига Ашира қалъаси атрофини девор билан мустаҳкамлаш, хандақ қазиб иҳота қилиш вазифаси юклатилади.

1401 йили Соҳибқирон Қорабоғда қиш мавсумини ўтказиш учун Нахичевандан йўлга чиқиб, Қоравултепа мавзеига етганда хабаргирлар келиб, Ҳумоюн қўшинга қўшилиш мақсадида дорус-салтана Самарқанддан амирзода Муҳаммад Султон билан ҳамроҳликда сафарга чиққан амир Ҳожи Сайфуддиннинг Нишопурга етгач, икки-уч кунлик бетобликдан сўнг фоний дунёдан кўз юмиб, Аллоҳ раҳматига борганлигини арзга етказадилар.

Амир Темур яқин сафдоши ва биродари, атоқли ташкилотчи ва лашкарбоши Ҳожи Сайфуддиннинг миллат ва давлат олдидаги улкан хизматларини ёд қилиб, кўп ҳазин бўлади.

**Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,**
**филология фанлари доктори**



## ВАТАН ИЧРА

Қадим Туронимиз давлат муҳрида
Амир Темур қалби накш этилган.
Толе ҳужжатларин сўзлар сеҳрида
«Ватан озодлиги» ўйиб битилган.

Темур қиличининг олтин сопида
Дейилган: «тутмасин адолатсиз қўл.
Қўрқоқлар бўлмасин навкар сафида,
Ботирлар қўймагай жаҳолатга йўл».

Темур қиличининг қинига ўйиб
Ёзилган ўтинчу ўткир дуолар:
«Қонлар тўкилмасин, бўлмасин майиб,
Илло, кўпаймасин етим болалар.

Бесабаб чиқмасин қинидан қилич,
Динсиз, иймонсизга инсоф бер, худо.
Олгулик қилмасин хунрезлардан ўч,
Ҳеч ким Ватанидан бўлмасин жудо».

Темурнинг қурдирган ёркин саройлар,
Не бир иншоотлар пештоқларига —
Ёзилган битиклар қўшиб чиройлар,
Кўчган юртпарвар халқ юракларига.

«...Туркий кимлигини билмоқ истаган
Боқиб биз тиклаган иншоотларга,
Ҳайратдан лаб тишлаб башари жаҳон
Ботиб қолсин сеҳру синоатларга».

Темур давлатидан бўлган бегона
Инсофсизлик ҳамда ранжу озорлар.
Ватанлар ичида бўлган ягона,
Гуркираб яшнаган савдо, бозорлар.

## СИЗНИ СОҒИНГАЙ

Гоҳи Оқсаройда, гоҳ Регистонда,
Гоҳи Гўри Амир — мангу маконда,
Бибихоним қалбин битган достонда
Изларингиз сезиб, халқим соғингай.
Бу улуғ ҳикматга ҳар ким сиғингай.

Туркий дунёларга меъмор ўзингиз.
Ватаним, халқим деб бедор ўзингиз.
Ақл, завокатда сардор ўзингиз.
Улуғ соҳибқирон, Ватан соғингай,
Яшармоқ истаган чаман сиғингай.

Сизни севган зотлар инжимадилар.
Сизни тинчитмаслар — тинчимадилар,
Жаҳонда тинчликка ялчимадилар.
Ободлик қўмсаган диллар соғингай,
Омонлик истаган сизга сиғингай.

Сизга тил тегизган тилсиз қолгайдир.
Туҳмат тошин отган элсиз қолгайдир.
Йўлидан адашиб йўлсиз қолгайдир.
Туркий жаҳон севиб сизни соғингай,
Ишонган тоғим, деб сизга сиғингай.

Меҳмонлар кутгайсиз кошонангизда.
Шуълалар ўйнасин сағанангизда.
Улуғ пойқадамлар остонангизда.
Бани инсон севиб сизни соғингай.
Жаҳон донолари сизга сиғингай.

## ЎЛМАС ТУЗУКЛАР

Соҳиби давлатнинг ўтли нафаси,
Ватан муҳаббатин қутли нафаси,
Асрлар қаъридан келгай садоси —
Ҳар сўзи қимматли — олмос тузуклар,
Темур тузуклари — ўлмас тузуклар.

Фахрдан дилларни ғайратга солгай,
Доно фикрлари ҳайратга солгай.
Халқ мисли дуодай тилига олгай,
Бир умр закоси сўнмас тузуклар,
Темур тузуклари — ўлмас тузуклар.

Юртга садоқатнинг ўтли сеҳри ёр.
Муҳаббатнинг мангу ёниқ меҳри ёр,
Соҳибқирон тасдиқ этган муҳри ёр,
Ватан қисматидан битик-ёзиқлар,
Темур тузуклари — ўлмас тузуклар.

Буюк аждодларнинг руҳи қуллагай,
Турон юрт тупроғи абад гуллагай,
Юрак нурин мақсад сари йўллагай.
Абадий мададкор — жонга озиқлар,
Темур тузуклари — ўлмас тузуклар.

## ЭЪЗОЗЛАРГА ҲАҚЛИСАН

Туркийлар қавмининг бош бўғинисан,
Ватан ўтмишисан, нақ бугунисан,
Келажаги кулган ёркин кунисан.
Амир Темур ёниб севган халқисан,
Эрку эъзозларга мангу ҳақлисан.

Бу жаҳонда ёруғ юзлигим деган,
Лафзи ҳалол — қайтмас сўзлигим деган.
Юракдан ардоқлаб ўзбегим деган,
Амир Темур ёниб севган халқисан,
Олам ишончига лойиқ, бахтлисан.

Тоқатингга сабр тоғи тенг келмас.
Саботингга синов чоғи тенг келмас.
Қалб ҳуснингга жаҳон боғи тенг келмас.
Амир Темур ёниб севган халқисан,
Руҳи енгилмаган умид тахтисан.

Ўхшаши топилмас ўзбек хислатин,
Бошга тож айлагай Ватан қисматин.
Қилиб юртпарварлар ҳурмат, иззатин,
Амир Темур ёниб севган халқисан,
Улуғлар қалбининг вафо, аҳдисан.

Фахр тожин кийган соҳибқиронинг,
Озод қучоқ очиб кулгай Туронинг.
Бошинг кўкка етгай, ошиб имконинг.
Амир Темур ёниб севган халқисан,
Эъзоз, ҳурматларга мангу ҳақлисан.

**Қамбар ОТА**

